

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 59 (65935)
1996 йил, 17 август, шанба

Сотувда эркин
нархда



Убизнинг ифти-хоримиздир. Унга бор меҳримизни, қалб қуримизни, куз нури-мизни берсак, юртимиз фаровонлиги учун тер туксак, айни муддао булади.

Ватан тимсоллари

ДАВЛАТ БАЙРОҒИ

Тарихнинг қайси бир саҳи-

қадрли эканлигингга иймон келтирамиз.

Дарҳақиқат, Байроғимиздан ҳам муқаддасроқ нима бор бунда? У она тупроқ бағридан, ота-боболаримизнинг ушалмай қолган орзусидан, келажакимизнинг нурафшон тон-

МУҚАДДАС ТУМОР

фасини варақламайлик, қайси бир давлатнинг битикларини урганмайлик, унда дастлаб Ватан тимсоллари ҳақида сўз юритилади. Мана, беш йилдирки, эркесевар юракларнинг орзу армони булган уз байроғимиз бутун жаҳон куз унгида мағрур ҳилпираб турибди. Айниқса у Бирлашган Миллатлар Ташкилоти пештоқида: «Мен сарқуёш Ўзбекистоннинг юзиман» дегандек булади.

Ҳа, Ватан Байроғи — сен гуруримиз, куз нури-мизсан. Бугун сени жаҳондаги энг қудратли давлатлар рамзлари билан ёнма-ён турганлигинг билан фахрланамиз! Ва сенинг қанчалар

гидан яралган. Шу боис унга эътибор қилсак, шу онда буюк тарихимиз — ундан ҳам буюкроқ келажакимиз куз унгимизда намоён булади. Ватанимиз Байроғи, у эллар ичра чин ифтихоримиздир. Унда безанган Ҳилол ва Ун икки юлдуз.

Бугун юртимиз узра маҳабатли ҳилпираётган Байроғимиз дилларимизни нурафшон этиб, янада мардонавор яшашга умид тугдиради. Зеро байроғимизнинг ҳаминша музаффарона ҳилпираб туриши учун энг аввало биз фидойи қалб эгаси бўлишимиз керак.

Гулнора МАҲКАМОВА.



Қадим замонда, кичкинагина, аҳолиси шод, подшоши оқил ва халқларвар бир юрт булган экан. Қулларнинг бирида табиий офат юз берибдию, уша жойлар музликка айлана бошлабди. Одамлар иложи борича уз ерларини ташлаб кетмасликка интилишибди. Бироқ иқлим узгариши уз ишини қилибди. Аҳоли қирила бошлабди. Шунда шоҳ: «Ватан тимсолларини узингиз билан бирга олингда, иссиқроқ ерларга бориб жон сақланг» дебди. Одамлар «Подшоҳ амри вожибдур» дея унинг айтганини қилиб жунаб кетишибди.

Улар этиб келган улка юртбошиси ҳам одил экан. Унинг хизматига навкар булиб кирган «келгинди»лардан бири буйнидаги туморини йуқотиб қуйибди. Бечора ниҳоятда безовталаниб, хафа булибди, шоҳга арз қилибди. «Туморни қаердан булмасин топиб келтиринглар!» буюрибди хоқон.

Орадан ҳеч қанча утмаёқ юзга яқин одам тутиб келтирилибди. Ҳаммасининг буйнида тумор, қизиқки, улар бир хил эмиш. «Мен буларни очиб қурмагунимча узимники қайси эканлигини билалмайман» дебди йигит.

Эгаларининг рухсати билан туморлар очилибди. Кичик мато парчалари экан.

— Бу муқаддас Ватанимиз байроғи парчаси, қачондир албатта юртимизга қайтамыз, — дейишибди тумор эгалари.

Бу воқеадан подшоҳ хурсанд булибди. Уз ватани тимсолига меҳр қуйган узга юрт одамларига совга улашибди.

Тошкентдаги 68-мактаб ўқувчиси Камола Камолова редакциямизга ёзиб юборган

эртак бизнинг Ватан тимсоллари — Байроғимиз, Қомусимиз, Тамғамиз, Мадҳиямиз ҳақида сизларга яна бир бор ҳикоя қилиш истагини пайдо қилди.

ДАВЛАТ ҚОМУСИ

Мустақиллигимизнинг утган беш йили мамлакатимиз ҳаётида улкан тарихий воқеаларга бой булди. Бугун биз: «Мустақиллик нима берди?» деган саволга баралла: «Қул нарсаси» деб жавоб бера оламиз. Чунки қайси соҳага қарамайлик, катта оламшумул узгаришларнинг гувоҳи буламиз. Энг муҳими, халқимизнинг муносиб турмуш кечиришини, эркинликларини кафолатловчи, миллий қадриятларимизнинг тикланишини, инсоннинг маънавий баркамоллигини таъминловчи ҳуқуқий восита юзага келди. Буларни Ўзбекистонимиз қонун асосида Конституцияси билан белгилаб олди. Мамлакатимиз Қомуси халқчил булиб, у Ватанимиз қаддини тиклашда, Истиқлол йулини ойдинлаштиришда муҳим аҳамиятта эга булди.

Юртбошимиз Ислон Каримов Давлатимиз Қомуси ҳақида сўз юритар экан, «Биз Конституциямизда жамийки неъматлар орасида энг улуги — инсон деган фикрни илгари сурдик. Ва шу асосда «фуқаро — жамият — давлат» уртасидаги муносабатнинг оқилона ечимини топишга интилдик» деб алоҳида таъкидлади.

Дарҳақиқат, инсон ва унинг ҳаёти, эрки, қадр-қиммати муқаддас саналиб, давлат томонидан кафолатланишининг узи истиқлолнинг буюк неъматларидан биридир. Шу боисдан ҳам «Конституциямиз — энг улкан бойлигимиз» дейишга ҳақлимиз.

БИР ҲАФТА ЯНГИЛИКЛАРИ

МАБУЛАТ ҚҲҲИДАТИ МАСКАН

Юртимизда болаларга гамхурлик, улар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни ақлан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш тадбирлари тобора кенг қулоч ёймоқда. Таҳиятошда фойдаланишга топширилган 100 уринли болалар дам олиш маскани юртимиз мустақиллигининг беш йиллигига аталган муносиб совга бул-



ди. Табиат куйида жойлашган бу масканда барча шароитлар, жумладан тиббий хизмат, спорт мажмуалари мавжуд булиб, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига мулжалланган.

«МЕХРИҒИЁ»ДАТИ ШАҲМАНА

Пойтахтимизнинг Акмал Икромов туманида фаолият курсатётган «Меҳриғиё» болалар клуби бутунги кунда республикамизга таниш. Қуни кеча ана шу клубда тантанали кеча булиб ўтди. Индонезиянинг юртимиздаги элчихонаси вакиллари болалар ҳузурида булиб, уларга кийим-кечак, озиқ-овқат, дори-дармонлардан иборат инсонпарварлик ёрдамини топширишди. Болалар бундай мурувватга жавобан қўшиқ, рақс ва шёрлар ижроси билан ҳаваскорлик томошаларини курсатишди.

ЖОҲИЗЕКОВ ИЗИДА

Улғайганида қайси касб эгаси бўлишни сураганида: «Фазогир буламан» дейдиган болалар қуп. Яқинда Паркент туманидаги халқаро аэрокосмик мактабида ана шундай орзуда юрган болалар машгулотлари уз ниҳоясига етди. Унда энг иқтидорли дея тан олинган мактаб ўқувчилари тез қулларда «Бойқунгир» космодромига сафар қилишди. Келажакда улар Жоҳибековдек машҳур фазогир булиб етишишса ажабмас.

МАҲАММАТА «МЕРСЕДЕС» КЕЛДИ

Тошкент шаҳрининг Шайхонтоҳур туманидаги Янгиобод маҳалласига «Соғлом авлод учун» сузалари ёзилган «Мерседес» машинаси кириб борганда кучада уйнаб юрган болалар ҳаяжондан қийқириб юборишди. Гап шундаки «Соғлом авлод учун» республика хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлими шифокор-ходимлари пойтахтлик болалар саломатлигини назоратдан утказиш, лозим булганда керакли дори дармонлар бериш мақсадида ҳар бир маҳаллада булишини боплашди.

«БУЛБУЛЧА»НИНГ ХАЯЖОНИ

«Булбулча» ашула ва рақс дастасини ким билмайди дейсиз? Ўзбекистон радиоси ва телевиденияси қошида фаолият курсатаётган, севимли бастакоримиз Шермат Ёрматов раҳбарлигидаги «Булбулча»нинг будбуллари тую тантаналарнинг фаол иштирокчиларидир.

— Болалар, — дейди ансамблнинг дирижери Дилбар Маликова. — Анор Назаров, Аваз Мансуров, Надим Норхужаев, Рустам Абдуллаев, Нодира Қурбонова ва бошқа бастакорларнинг юбилейга бағишланган янги қушиқларини урганишяпти. Уларга республикада хизмат курсатган артист Дилбар Абдуллаева, Ноила Ортиқовалар рақс ургатишяпти.

БЕШТА ҚИРТАҲ ҲОРМАНТ БЕШ ЁШЛИ ҚИЗАЛОҒИ

Бугун тонгда кўшдан ҳам эрта турдим,
Гул боғимда кўш билан суҳбат курдим.
Кўш менга кунинг қувноқ бўлсин, дейди,
Мен кўшга нуринг порлоқ бўлсин, дейман,
деб куйлаётган қиз дастанинг энг кичиги — беш ёшли Феруза Солиева экан. Унга, қушиқ айтишни кўпроқ яхши кураганми ёки рақсга тушишни, деган саволимизга шундай деб жавоб берди.

— Қушиқ айтишни ҳам, рақсга тушишни ҳам, уйларни супуриб-сидиришни ҳам жуда яхши кураман.

— Супуриб-сидиришни ҳам биласанми?

— Ҳа, опаларимга ёрдамлашман.

— Опаларинг нечта?

— Мана, ёнимда туришибди-ку... — Қизларнинг каттаси Гулнора, Мирзо Улугбек туманидаги математика ва физика фанига ихтисослашган 223-мактабнинг 9-синфида, Динара 279-мактабни-

нг 5-синфида, Сайёра эса 256-гимназия мактабининг 4-синфида ўқишар экан. Гулнора билан Динара қушиқ айтса, Сайёра ҳамда Феруза рақсга тушиб атрофдагиларга хуш кайфият улашади.

Қушиқ куйлаб рақсга тушаётган қизларга ўз қушигида айтганидек, кунлари ҳамиша қувноқ бўлсин, бошида кўш нури порлаб турсин, деймиз.



Суратда: Мустақиллик майдонида байрамга тайёргарлик кўраётган тўрт опа-сингил Гулнора, Динара, Сайёра ва Феруза Солиевалар.

Р. АЛЬБЕКОВ олган суратлар.

Феруза ОДИЛОВА.

ЮРАКДАГИ ШУЪЛА

Мустақиллик — буюк неъмат. У туфайли ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларидаги жиддий ўзгаришларни куриб турибмиз. Айниқса таълимдаги туб бурилишлар ҳаммани қувонтиради.

Мустақиллик шарофати билан халқ таълимига, болаларнинг келажагига булган юксак эътибор руҳи бизнинг мактабимизга ҳам кириб келди. Мен неча йиллардан буён бошлангич синф ўқувчиларига сабоқ бериб келаман. Йиллар давомида орттирган тажрибамдан шуни англадимки, одам болалигиданоқ яхшилик ва гузаллик куртакларисиз ҳаётга қадам қўймаслиги керак, авлодларни ҳам яхшилик ва гузаллик куртакларисиз ҳаётга йўллаб бўлмайди. Яхшилик ва гузаллик куртакларини эса бола қалбида аввало тарбиячилар, кейин эса бошлангич синф ўқувчи-

ри устирадилар.

Айни пайтда мен мактабча тарбия муассасалари билан боғланган ҳолда иш олиб бораётман. Эрта-индин болалар боғчасидаги тарбияни олиб менинг қўлимга таълим олиш учун келадиган болаларнинг қисмати билан чуқур қизиқаман. Иложи бўлса, боғчасидаги тарбиячилар билан фикр алмашиб у ерда тарбияланаётган болаларда мактабга қизиқиш, интилиш туйғуларини уйғотишга ҳаракат қиламан.

Болалар боғчалари билан ҳамкорликда «Ҳарфлар уйини», «Мактаб бобо нима дейди» кечалари утказиб тураемиз. Булар бевосита мактаб остонасига ҳадиқираб қадам босаётган боланинг юрагида китобга, ўқишга булган ишончини тўлдиради, мустақамлаяди.

Энди бевосита ўзимнинг дарс утиш услубим ҳақида тўхтайсам.

Болалар билан ишлаш ниҳоятда оғир, айни пайтда завқли. Улар ҳали сиёҳ тегмаган оппоқ қоғозга ухшайдилар. Бу оқ қоғозга илк бор ким қандай ёзса, унинг ҳаётга қарашларини, фикрлашини, хулласки эртасини белгилаб беради. Шунинг учун ҳам, бошлангич синф ўқувчиларининг халқ олдида, қолаверса виждони олдидаги масъулияти ниҳоятда баланд бўлиши керак. Ҳар гал синфга кирар эканман, болаларнинг ҳайратга, орзуга тула кузларини куриб, яйраб кетаман. Битта-битта қадам босиб илм дунесига кираётган ўқувчиларни бирор қўполроқ хато билан безди-

риб, ёки чучитиб қўймасликка ҳаракат қиламан. Аввало уларнинг қалбидаги ишончини ўзига булган қатъиятти мустақамлайман. Уларнинг руҳларига турли дарс уйинлари билан кириб бораман.

Албатта, ҳар бир дарсни жаҳон андозаларига мос равишда ташкил этиб, иложи борида унга синфдаги барча ўқувчиларни жалб қилишга ҳаракат қиламан. Ҳар бир бошланган дарсимни энг қизиқарли воқеалар билан бошлаб, болаларни утаётган дарс дунесига олиб кираман. Дарсининг энг қизиқ жойида тугаллаб, болаларнинг юрагидаги интилишини кучайтираман.

Қўлимда ҳарф таниб, мустақил фанлар остонасига қадам қўйган ўқувчиларнинг 90 фоизи зеҳли, фикрлаши теран. Бу ҳол мени қувонтиради албатта.

Илмдан бир шуъла дилга

тушган он,

Шунда билурсанким, илм бепоён, — деган эди Фирдавсий.

Агар мен ўқувчиларнинг юрагида илм бепоёнлигини очиб бергувчи илк шуълани сола олган бўлсам, бахтиёр булар эдим.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини яратувчи воқисларини ёшларимизнинг кучли, эътиқодли булишлари учун ҳар томонлама пухта мукамал билим керак, зеро билим инсонни кучли қилади.

Ўқитувчиларимиз олдида катта масъулият, келажакнинг қисмати турибди. Ҳурлик нафасини туйган ҳар бир ўқитувчи буни чуқур англамоғи керак, зеро масъулиятсизлик озодликка, Ватанга, келажакка хиёнатдир.

Эркинтош РЎЗИКУЛОВА,
Ургут туманидаги 40-ўрта мактаб бошлангич синф ўқитувчиси.





ИСМИНГ НИМА КИЗАЛОҚ?

Угилчам билан цирк майдонидаги фаввораларни айланиб юрарканмиз, кузим уриндикда гужанак булиб ухлаётган, чамаси 13-14 ёш қизалоққа тушди. Биз бирор соатлар айландик. Қайтишда негадир яна уша уриндикга қарадим. Қизча ҳамон ухларди. Юрагимга аллақандай ваҳм оралади. Бейхўш унга томон юра бошладим. Сочлари патила-патила, куйлаклари бир алфозда чарчаб ухлаётган бу қизчани секин уйготдим.

— Исминг нима, қизалоқ?

— Нима ишингиз бор?

Қизалоқ муштлари билан кузларини ишқалаб, менга ҳайрон булиб қаради.

— Қаердан келдинг, бу ерликка ухшамайсан, — дедим янада майинроқ.

Қизча йиглаб юборди. Анча - мунча кунгил овутишлари дил совутишлардан кейин у ниҳоят... Узининг ҳали гард тегмаган жажжи дунёси дардларини болаларча содаллик билан ҳикоя қилиб берди.

Айтишича, Баҳорой (у узининг исмини Баҳорлигини айта туриб, билмайман нега шунақа исм қуйишган деб инжиқлик қилиб куйди.) Янгийул

Бугун иқтисодий имкониятлар ёшларимизнинг дунёқарашида, ҳаётга булган муносабатида кескин бурилиш ясади.

Бугун бозорларимиз ёш қари тижоратчилар билан гавжум. Бу гавжумлик, бу шитоб одамни қувонтиради, албатта. Зеро, келажак — меҳнаткаш ёшлар қулиди. Афсуски бозор афсусига берилиб баъзи бир камчиликларимиз кузга куринмаяпти. Бозорга уқувчи қизларни жалб қилиниши, уларнинг савдо дунёсига олиб кирилиши баъзи ота-оналар учун оддий ҳолга айланаяпти. Балки бунга чуқурроқ назар ташлаш лозимдир...

НОЗИК МАЖЛИСЛАР

шаҳридаги мактаблардан бирида 8-синфда уқир экан. Адабиётни, айниқса бадий китобларни уқишни жуда севар, унинг китобга булган муҳаббати уйда тез-тез буладиган жанжалларни келтириб чиқазар экан. Унинг яқин дугоналари таътил пайти булгани туфайли узларига яқин бозорда сақич, печенье, айрон сотишиб ҳар кун уйларига пул олиб келишар, Баҳорой эса бозорга чиқишга уяларкан. Қушни қизларнинг бозордан ҳар кун пул топиб келиши Баҳоройнинг онаси юрагида ҳам аланга ёқди. «Қизим, сен ҳам эртадан бошлаб бозорга чиқасан», — деди у қизига бир кун узил-кесил. Баҳорой бозорга буйнидан арқон солингандай чиқар, дугоналарига ухшаб бақириб-чақириб молни макташни билмагани учун бозори касод булиб уйга қайтарди. Тун буйи бадий китоб уқирди. Бундан онасининг жаҳли чиқиб: «Эртароқ ётгин, эрта туриб бозорга чиқасан», — дерди.

Ойисига тик қарамаган Баҳорой, ҳар гал «энди бозорга чиқмайман,» — дерди зурга. Шу сузни айтганда боши балога қоларди.

«Сен текинхурсан, — деди бир кун ишондан севган ойижониси. У уша кечаси тун буйи ухлолмай чиқди. Эртасига бозорга чиққан одам булиб, Тошкент шаҳрига қочиб келди.

— Нега бундай қилдинг, ахир? — сурайман ундан.

— Билмайман, узимча Тошкентга келсам бирорта мактабга кириб уқийман, деб уйладим, — деди у ҳали ҳаётни, турмушни тушуниб ултурмаган гур ақли билан.

Баҳоройни уйга олиб келдим. Уни бир кеча меҳмон қилиб, эртаси кун эрталаб Янгийулнинг автобусига солиб жунатдим. Унинг ойижонисига узимча мактуб ҳам ёзиб бердим... Баҳорой кетди...

Қизалоқнинг узим оқламаган хатти-ҳаракатларига қарши, юрагимда унинг кичкина дунёсини ағдар-тунтар қилган воқеалар катта бир қизиқиш уйготди. Бугун бозорни айланиб туриб, Баҳоройни эсладим...

БҮГҮН БОЗОРГА ҲАМ БИЛМАЙДИ...

Эрта тонгдан одамлар билан гавжум бозорларда узбекона руҳ, шуқуҳ бор. Бозорни айланар экансан юрагинг фахрдан ҳаприкиб кетади: расталарда узбек деҳқонининг чинакам меҳнати маҳсулоти, ранг-баранг мевалар, сабзавотлар. Сотувчи аҳли харидор аҳлини уз растасига чорлайди. Исириқ ва нон ҳидига тула бозор уз сеҳру жозибаси билан хоҳласангиз, хоҳламасангиз руҳингизга ёруғ кутаринкилик бахш этади.

— Кеп қолинг, сутта қорилган бурсилдоқ нонлар бор...

— Кеп қолинг, тилингни эрадиган оби новвоглав бор...

— Кеп қолинг, оғзингизда эрийдиган шафтолига... хуллас, буйи бозорчилик

Эсимга «Бугун боғчадан нимани урганиб келдинг» деган саволимга углимнинг «Бозор»ни деган жавоби тушди. Аввалига тушунмадим. Кейинроқ унинг кулгили хатти-ҳаракати уни «бозор»ни ошқор қилиб куйди. Чой ичиб утирган жойда 3-4та пиялага чой куйиб «муздай чойлар бор», деб, баъзан стулларни бир жойга йигиб «яхши стуллар бор», деб бақириб қолади. Шундан билдимки боғчадаги уртоқларидан «бозор-бозор» уйинини урганиб келибди.

Ширин хабллар билан бозирни айланиб юрарканман, 14-15 яшарлар чамаси қизчанинг сикрет сотиб юрганини, акаси, дадаси, бобоси тенги эркаларга молини мактаб балодеккина савдолашяётганини куриб, анчагача кузатиб утирдим. Бир пайт бир деҳқон амаки ҳалиги қизчадан сикретни сал арзонроққа беришни сурати.

— Боринг, боринг — унақа нарҳда катта холагиникидан олмасиз сикретни, — деди қуполик билан қизча. Деҳқон амаки ҳам чарчаганмикан ёки невараси тенги қизалоқнинг гапи таъсир қилди қизишиб кетди. Булди жанжал, булди туполон. Менинг ҳайрон қолган жойим: сикрет сотувчи нари борса 7—8 синфда уқийдиган қизчанинг куча жаргонларида очиқдан-очиқ сукунинишлари-ю, ҳеч нарсадан тап тортмаслиги булди.

Инсон табиатига болаликда сингдирилган фазилатларгина мустақкам ва ишончли урнашади— деган эди донишмандлардан бири.

Куз олдимда ҳалиги қизчанинг 10 йил кейинги ҳаётини гавдалантирдим. Балки менинг сезгиларим алдаётгандир, леккин ба-рибир куз олдимга тарбиясиз бозорчи аёлдан булак тасвир келмади.

Нима булса булди, дедиму ҳалигача сукунинишлардан бушамаган қизчанинг олди-

га бордим.

— Синглим, бобонг тенги одам билан олиниш яхши эмас, уят булади, — дедим, нимадан гап бошлашни билмай.

— Сиз даллолмисиз? — деди у менга уқрайиб...

— Мен сени уришмоқчи эмасман, суҳбатлашмоқчиман — вазиятни юмшатдим ва узимни таништирдим...

Суҳбат орасида Наргизалигини билиб олдим.

— Наргиза, майлими, мен сента баъзи бир саволлар берсам...

— Майли, фақат тезроқ булинг, сикретларни сотиб тутатишим керак.

— Сени сикрет сотишга нима мажбур қилади?

— Қизик экансиэку, ҳар кун яхшигина пул топиш кимга ёқмайди.

— Пул топиб нима қилмоқчисан?

— Узимга ёққан кийимлар оламан. Яхши кийинаман, яхши ёйман. Нимаси ёмон!

— Ота-онанг бозорга чиқишинга розими?

— Бошида сал қаршилик курсатишди, дарров бу қаршилиқнинг олдини олдим.

— Қандай қилиб?

— Тушган пуддан ҳар кун оиламизга керак баъзи бир нарсаларни кутариб бордим. Бу ишим уларни ҳурсанд қилиб юборди қайтага.

— Бу ишингни қачон бошлагандинг?

— Уттан йили. Синфдош қизлар билан келишиб бирга бошлаганмиз.

— Қайси мактабда уқийсан?

— ...

— Буш вақтингда китоб ҳам уқийсан-ми?

— Қизиқмисиз, китобга бало борми қолаверса уқиганлар қанақа яшаётганини кўряп-миз.

— Сен ким булмоқчисан?

— Пул туплайман, Ҳиндистон, Покистон, хуллас чет элларга бориб нарсалар олиб келаман ҳеч қаерда уқигим йўқ, қолаверса шу йилни узиданоқ мактабга бормоқчи эмасман...

— Наргиза, катта булганинда афсусланмайсанми?

— Ҳеч қачон...

«Кеп қолинг Амриқонинг тоза сикретларига», — харидор чорлашни давом этди саволларим энсасини қотирган Наргиза.

Бозорни айланар эканман негадир руҳим тушқун эди. Атроф тула бахт, атроф тула мажҳуллик кечинаётган дунёда яна нимадир керак эди Мен ниманидир карактлик билан излардим. Топдим: бу ҳали кулгисига, куз ёшига пул ҳиди тегмаган гудакнинг маъсум нигоҳи...

Инсон табиати ажойиб-да, Наргиза билан булган суҳбатдан кейин негадир чанқалган одамдек қайта-қайта гард тегмаган болалик дунёсига қайтгим келди.

Бозор иқтисодиёти шароити юқини елкасига олган, ҳамиша буюк келбатли халқимизга ишончимиз балоли. Яна жиғдаккина эътирозимиз бор:

Дунё дунёлигини қилади. Ҳаёт уз йулига тушиб олади. Она ҳалқим, муаззам саҳарларингни уйготувчи бокира ибоди келинларинг булсин. Қизларингни, қизалоқларингни шаънини асра, уларда мол-мулкка, давлат, пулга меҳр уйготма. Бугун сен уларни асрасанг, эртага улар сенинг ёруғ келажакингни асрайди!

Яна нима демоқчи эдим. Ҳа, Баҳоройни кургим келди. У билан мазза қилиб суҳбатлашгим келди.

Бозоргул

Ташвишли мактуб

БАРВАҚТРОҚ СЕВИНИБМИЗ

Бундан олти йил аввал, яъни мактабимизга янги бино қурилиши бошланганида роса севингандик. Аммо орадан бир—икки йил утгач қувончимиз пуч экан—лигига ишона бошладик. Сабаби, қурилиш сираям битавермади. Ҳаммадан ҳам ачинарлиси, уша

пойдевор урнида яхшигина футбол майдонимиз булиб, у ерда жуда кўп му-



сабақлар ўтказиб туриларди. Энди булса бизга янги мактаб ҳам, спорт майдон ҳам йўқ. Озгина барвақтроқ севинибмизда.

Дилмурод Тогаев,
Кашқадарё вилояти,
Яккабоғ туманидаги 41 мактаб
уқувчиси.


ЎЗБЕКИСТОН МЕВАЛАРИ

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу бошқотирма Ўзбекистонда пишиб этилади-ган, номида «О» ҳарфи бул-

ган ун битта мева номлари асосида тузилган. Ҳар бир мева номини топиб, шаклнинг эни-

га йўналишида катакларга «О» ҳарфи билан кесилган ҳолда езиш билан ҳал этинг.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.



(Давоми. Боши ўтган сонда)

Альбомни яна барақлайман.

Мана, учинчи синфдаги умумий сурат — Венеткамиз: бутун синф мана мен деб қараб турибди. Вей, болаларнинг ниеохлари нақадар соғда, покиза. Улар ҳали — эртага нима кутаетганини, қисматлари қай йўллардан кетишини билишмайди.

Ҳечқурса, мана Одил билан Алибекни олайлик. Улар бир-бирининг елкасидан кучиб туришибди. Улар ҳамон дўст, бирга юришади. Аммо болалик бегуборлиги, самимияти ўз ҳолига эмас, киши кўзига дўст...

Булардан нарида (суратда) Нареза турибди. Мактабда биров унга кимсан деб қарамасди. Мактабни битиргач машҳур актёрга турмушга чиқиб, ўзи ҳам машҳур бўлиб кетди.

Бошқаларни, масалан, Жамолни кўпдан бери кўрганим йўқ. Унинг ёнидаги қиз — Гулсара. Мактабда фақат «беш»га ўқирди. Хозир эса ... Майли-е, синфдошларимни бир бошдан санаб таърифлаб ўтирмайин — ҳар бирининг ўз ҳаёти, қисмати борки, уни ўзгартириш мушкул бўлса керак.

Шу тобда отам билан ойимнинг баъзи гаплари эсимга тушиб кетади. Улар яқин-яқингача ўзларининг фақат ўсишини ўйлагани, фақат бирон бир (албатта ўзлари истаган) олийгоҳга кириши-

ни орзу қилганлари ва шунга интилиб, унга деярли эришганларини айтишар, ҳатто бундан фахрланишар эди.

Ҳамон телевизорда яланғоч қиз йиғитлар ва уятли ҳаракатлар кўрсатилса, тескари қарашади.

Альбомнинг кейинги варагини очаман-у, кўраман:

Биз мактабда ўтадиган ҳар хил тағбирлар сўнгида чиқиш қилардик.

Бир гал кечки машқдан кейин эшикни яхши ёпмаган эканмиз, эртасига хонадаги бир-икки асбобларнинг йўқолиши маълум бўлди. Кейин ансамблимиз тугатилди. Шунга қарамай биз — Жамол билан қалин

да йўқ даражада хурсанд бўлиб кетдим. Биз кучоқлашиб кўришдик, сўрашдик. Кейин у менга бир тугунча узатди. Мен уни дарҳол очдим, чиройли жемпер. Бирок у хийлагина кийилган, уринган экан. Мен, қуруқ қўл билан келишни истамагани учун эски бўлса ҳам шу

ЖАҲОНГИР

Ўша қиздан яна эшитдимки, Жамол ўқишдан узилмаган ҳолда бадавлат бир фирмага ишга кирган, етарлича маблағ жамғарганидан кейин ўзи «иш» очмоқчи...

Қисқаси, кунларнинг бирида эшитдимки, Жамол — шаҳарда! Дўкон очибди!!! Ишлари «беш» эмиш!

Ўша кун сира-сира ёғидан чиқмайди. Шаррос ёмғир куйиб, кучсизроқ шамол эсарди. Мен уйдан чиқиб, Жамолларнинг уйига йўл олдим. Йўл бўйи мен дўстим билан ансамлда иштирок этган чоғларимизни, мактабни, уйимизга тугунча билан келишларини эслаб бордим. Унинг нима учун шунча вақтдан буён мени ёдига олмагани, аниқроғи ўзи ҳақида бирон хабар бермаганини ўйлаб ўйимга етолмасдим. Кейин, балки у билан охирига хайрлашув чоғимизда бирон номаъқулчилик қилиб кўйибман эканми, деган гумонларга ҳам борардим.

Мен ўзимга таниш иморатга етиб, тўртинчи қаватга кўтарилдим. Эшикни унинг катта акаси очди. Саломлашиб, Жамолни сўрадим.

— Уйда йўқ, — деди у. Жа кўреинг келса университетнинг рўпарасидаги кафеда топасан.

(Давоми бор.)

ФАҚАТ ЭСАЁМ АБАДАДИ

(КИССА)

мен микрофон олдида тик турибман, ёнимдаги пианино қошида эса эски кадрдоним ўтирибди.

Эсимда, олтинчи синфда ўқирдим. Ўқишларим ўртача эди. Хусусан адабиётдан «2» ҳам олардим. Ҳолбуки ўша пайтдаёқ Ланефеллонинг «Гаявати» достонини ёд билардим. Купер Сетон, Томпсон, Жек Лондоннинг мен русчада ўқимаган асарини кам қолганди, шунчаки мактаб дарслигидаги адаблару улар ижодига берилган баҳолар, менга ёқмас эди.

Ўша кезлар мен мусиқага қизиқиб, гитара чалишни яхшигина ўрганиб олурдим.

Мактабда ҳаваскорлар ансамбли очилиб, худди шу Жамол раҳбар бўлди.

дўст булиб қолавердик, бир-биримизнинг уйимизга борардик, ҳар хил дам олиш кечаларида бўлардик. Қисқаси «ишларимиз жойида» эдики, бизга ҳавасмандлар ҳам йўқ эмасди.

Кунларнинг бирида Жамол отасининг Самарқандга ишга юборилаётганини, демак оилалари кўчиб кетаётганини айтди. Сўнг ҳар уч ойда албатта Тошкентга келиб туриши, мени кўришини билдириб, ваъда ҳам берди.

Кейин улар кетишди. Биз хайрлашдик. Кўнелимиз бузилиб, кўзимизга ёш келгани ҳам эсимда...

Орадан уч ой ўтиб, эшимиз кўнгирағи одамдагича жиринглаганда, очсам, дўстим турибди! Мен ўзим-

матохни олиб келган, деб ўйладим.

Шундай қилиб, икки йил давомида у қачон келса, кўлида биронта буюм бўларди. Биласизми, мен Жамолнинг шу «эски-туски» тухфалар билан келганига ҳам шод эдим. Ахир мени ўйлар экан-да дўстим!

Айтишим лозимки, менинг унга «қайтимим» — биронта китоб ё очирикка бўлардики, кейинги пайтларда уялаган ҳам бўлдим.

Мен ўшанда билмасдимки, бироз вақтдан кейин у Туркияга ўқишга кетади ва бир неча йил давомида бирон сатр ҳам хат ёзмайди. Аммо кейин билдимки, убу ердаги таниш қизига муттасил мактуб битиб тураркан.

МУШУК БИЛАН ФИЛ

— И-е, анави семиз сичқонни қаранглар, бир маза қиладиган булдим-да, — деб лабларини ялади Мушук узокдан филни куриб. Аммо яқинлашган сари унинг иштиҳаси йўқола борди.

КўНГИЛЧАН АРСЛОН

Бир Арслон кўнгилчанлик қилиб, Бури-ю Тулкилар билан апоқчапоқ булиб кетди. Аммо улар Арслонни хомталаш қилишди...

ҚОҒОЗ БИЛАН ТЕРИ

— Мунчаём юпқа булмасанг, а Қоғоз? — деди Хомтери. — Бирон нарсага ярайсанми ўзи? Қоғоз индамади. Лекин куп утмай у китоб булиб қўлма-қўл утди. Хомтери эса ковуш булиб узини оёқ остида курди.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ.



БИР БОР ЭКАН, БИР ЙЎҚ ЭКАН...

МИТТИ Масаллар

ИТ БИЛАН МУШУК

— Уззу-кун уйни қуриқлаган мен, роҳатини сен сурасан, а? — деб Мушукка дук ура кетди Ит. — Алам қилсин, — деб миёвллади Мушук. Улар доим бир-бирлари билан ит-мушук эдилар.

ЭШАК

Эшакни туйга таклиф қилишди. — Бир бошлаб ашула айтаман-да, — деб ўйлади у. Аммо унга сув ташиштиришди.

ИККИ СИЧҚОН

— Бир кун туқайда Шерга дуч келиб қолганимдаям кутулиб кетганман, — деб мақтаниб қолди бир Сичқон. — Шеринг нима бупти, мен узимизнинг Мош мушукка чап берганман, — деди иккинчи Сичқон.

ТУЛКИНИНГ ДУМИ

— Сенга бунақа узун думнинг нима кераги бор? — деб суради Тулкидан. — Ахир, из йўқотадиган думим-да, — деди Тулки

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Бош муҳаррир
Умида АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

ИВМ компьютерда терилди ва саҳифаланди. Оффет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г'0442. 7691 нусхадя босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тоширин вақти 19.00. Тоширилди — 18.30

• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзил: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон: 33-44-25